

УДК: 657.1

ORCID: 0009-0008-1346-6842

Шамсикулова Мохина Бону Фуркатовна

Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти

мустақил тадқиқотчиси

moxina0909@gmail.com

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА НОДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИ

Аннотация. Мақолада мамлакат миллий иқтисодиётида тиббий хизматлар соҳасининг аҳамияти, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилган тиббий хизматлар ҳажми тадқиқи, тиббий хизматларнинг бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти сифатидаги талқини ва улар бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, нодавлат тиббиёт ташкилотларида асосий фаолият бўйича хизматларни кўрсатишда бухгалтерия ҳисобининг амалдаги ҳолати ҳамда тиббий хизматлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ёритилган. Шунингдек, мақолада нодавлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги таснифий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, эришилган натижалар бухгалтерия ҳисобини назарий томондан янада такомиллаштиришга хизмат қилиши асосланган.

Калит сўзлар: соғлиқни сақлаш фаолияти, давлат тиббиёт ташкилотлари, нодавлат тиббиёт ташкилотлари, тиббий хизматлар, тиббий хизматлар бухгалтерия ҳисоби, асосий фаолият бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.

ЗНАЧЕНИЕ МЕДИЦИНСКИХ УСЛУГ В ЭКОНОМИКЕ РЕСПУБЛИКИ И КЛАССИФИКАЦИЯ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ КАК СУБЪЕКТОВ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА

Шамсикулова Мохина Бону Фуркатовна

Научный соискатель,

Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматривается значение сферы медицинских услуг для национальной экономики страны, исследуется объем медицинских услуг, оказываемых государственными и негосударственными организациями, трактуется роль медицинских услуг как важного объекта учета и особенности их учета, текущее состояние учета в предоставлении услуг для основных видов деятельности негосударственных медицинских организаций, а также основные направления совершенствования учета медицинских услуг. Кроме того, в статье разработана классификация негосударственных медицинских организаций как субъектов учета, основанная на том, что полученные результаты служат дальнейшему совершенствованию учета с теоретической точки зрения.

Ключевые слова: деятельность в сфере здравоохранения, государственные медицинские организации, неправительственные медицинские организации, медицинские услуги, учет медицинских услуг, учет затрат на основную деятельность, финансовая отчетность.

IMPORTANCE OF MEDICAL SERVICES IN THE ECONOMY OF THE REPUBLIC AND CLASSIFICATION OF NON-GOVERNMENT MEDICAL ORGANIZATIONS AS ACCOUNTING SUBJECTS

Shamsikulova Moxina Bonu Furkatovna
Scientific applicant, Samarkand Institute of Service and Economics

Abstract. The article describes the importance of the field of medical services in the national economy of the country, the study of the volume of medical services performed by state and non-governmental organizations, the interpretation of medical services as an important object of accounting and the specific features of their accounting, the current state of accounting in the provision of services for the main activities of non-state medical organizations, and the main directions of improving the accounting of medical services. Also, in the article, the basis of classification of non-governmental medical organizations as subjects of accounting was developed, and it is based on the fact that the achieved results serve to further improve accounting from a theoretical point of view.

Keywords: health care activities, state medical organizations, non-governmental medical organizations, medical services, accounting of medical services, cost accounting for the main activity, financial reporting.

Кириш. Бугунги кунда Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, бунда тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, моддий-техника таъминотини замонавийлаштириш ва энг асосийси мазкур ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилган. Мамлакатимизда ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 майдаги “Тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан мамлакат аҳолисига кўрсатилиб келинаётган тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш, тиббий хизматларни амалга оширувчи нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини давлат стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда лицензиялаш тартибларини оптималлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда “2030 йилга қадар 3 000 дан ортиқ давлат тиббиёт муассасаларини лицензиялаш талабларига мослаштириш, барча давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун ягона талаблар ўрнатиш, тиббиёт ташкилотларининг ахборот тизимларини ягона талаблар асосида Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига интеграция қилиш, тиббий хизматларни кўрсатиш жараёнларига камида 75 та миллий аккредитациялаш стандартларини жорий қилиш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ва уларнинг сифатини электрон тизим орқали назорат қилиш механизмларини жорий этиш, тиббиёт ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва аккредитациялаш тартибларини такомиллаштириш орқали кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш”¹ каби мақсадлар ва уларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизни тараққий эттиришнинг бугунги кундаги энг муҳим йўналишлари белгилаб олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 16-февралда қабул қилинган “Мамлакат тараққиётининг 2030-йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда “Тиббиёт муассасаларини рақамлаштириш даражасини (инфратузилмани яхшилаш, интеграция қилиш, тиббиёт карталарини электрон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2026 йил 05 май. ПҚ-170-сон.

шаклга ўтказиш, кадрлар салоҳиятини ошириш) 100 фоизга етказиш”¹ келтирилган вазифалар муҳим ҳисобланади.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳаси олдида қўйилган ушбу долзарб вазифалар тиббий хизматлар соҳасида банд бўлган ташкилотлар, жумладан нодавлат тиббиёт ташкилотлари олдида қатор вазифаларни амалга оширишнинг долзарблигини белгилаб беради. Зотан, нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар жараёнларини тўғри ташкил этиш, тиббий хизматлар сифатини илғор хорижий тажрибаларга мувофиқлигини таъминлаш, юқорида таъкидланганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар нархини пасайтириш, бунда нодавлат тиббиёт ташкилотларида харажатларни тўғри назорат қилиш ва уларни бошқариш, ташкилотларнинг асосий фаолиятларини амалга ошириш бўйича даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш, бунинг натижасида ташкилот молиявий натижалари ва айниқса, фойда кўрсаткичларини ошириш каби жараёнлар мувофиқлигини таъминлаш нодавлат тиббиёт ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Қолаверса, ушбу санаб ўтилган жараёнлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва тўғри юритиш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларини тиббий хизматларга оид ахборотлар билан таъминлаш даражасини ошириш, ташкилотда бошқарув ходимлари томонидан стратегик аҳамият касб этадиган бошқарув қарорлар қабул қилишлари учун шаффоф бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш, мамлакатда ташқи инвесторларни жалб қилиш мақсадида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва уларнинг тиббий хизматларга оид ахборот қамровини янада кенгайтириш бўйича вазифалар нодавлат тиббиёт ташкилотлари олдида турган бугунги куннинг энг долзарб ва муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Нодавлат тиббиёт ташкилотлари олдида турган айнан ушбу долзарб вазифалар мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни долзарб қилиб қўймоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тиббиёт ташкилотига қуйидагича таъриф берилган: “Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари”².

Рақамли иқтисодиёт шароитида тиббиёт соҳасини рақамлаштириш жараёнлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бунда, электрон ахборот тизимининг алоҳида аҳамияти мавжуд бўлиб, бугунги кунда тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматларни кўрсатиш ва бошқа жараёнларни амалга оширишда ушбу тизимдан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади: “электрон ахборот тизими – тиббиёт ташкилотларида беморларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатиш учун ҳисобга олиш, навбатга қўйиш ва даволашга йўналтириш имконини берувчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизими”³.

Республикада тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва ушбу хизматларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқ этилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунга қадар мамлакатимизда соҳага оид юзлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ҳужжатларда Республикада тиббиёт соҳасини ривожлантириш орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mamlakat taraqqiyotining 2030-yilgacha mo‘ljallangan ustuvor yo‘nalishlari doirasida islohotlarni izchil davom ettirish va yangi bosqichga olib chiqishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. 2026-yil 16-fevral. PF-21-son.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида ўзбекистон республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2025 йил 04 ноябрь. 694-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида ўзбекистон республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2025 йил 04 ноябрь. 694-сон.

кувватлаш, уларнинг фаровон турмуш даражасини янада ошириш, тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турини ошириш ва уларнинг нархини оптималлаштириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва бошқа шу каби мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича тартиблар ишлаб чиқилган. Тиббиёт соҳасига оид ишлаб чиқилган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган тартиб-қоидалар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий хизматларни кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ташкил этиб, қуйида уларнинг айримлари келтирилди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт соҳасини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар¹

Тиббиёт ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар		Тиббий хизматлар фаолиятини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	
Ҳужжат тури, санаси ва рақами	Ҳужжат номи	Ҳужжат тури, санаси ва рақами	Ҳужжат номи
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи, 17.06.2026 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3500-1	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 24.06.2026 йилдаги ПҚ-239-сон	Аҳолига паллиатив тиббий хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.05.2026 йилдаги ПФ-74-сон	Тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори, 13.02.2026 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3603-2	Пуллик тиббий хизмат кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаларини молиялаш тартибининг 9-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 05.05.2026 йилдаги ПҚ-170-сон	Тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида битим. 01.09.2025	Тиббий хизматлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.11.2025 йилдаги 694-сон	Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида ўзбекистон республикаси давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 19.05.2025 йилдаги ПФ-88-сон	Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида		орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом этириш чора- тадбирлари тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 22.04.2025 йилдаги ПҚ-149- сон	Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш tizimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори, 27.01.2025 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3603	Пуллик тиббий хизмат кўрсатадиган даволаш- профилактика муассасаларини молиялаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.04.2022 йилдаги ПФ-102-сон	Тиббиётда хусусий сектор фаолиятига қўшимча қулайликлар яратиш ва соҳа ҳодимларини қўллаб- қувватлаш чора- тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 17.05.2022 йилдаги ЎРҚ-770-сон	Ўзбекистон республикасида тиббий- ижтимоий хизматлар tizimi такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 30.05.2020 йилдаги ПҚ-4737- сон	Нодавлат тиббиёт ташкilotлари томонидан тез тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш учун қўшимча шарт- шароитлар яратиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 25.04.2022 йилдаги ПҚ-215- сон	Бирламчи тиббий- санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 18.02.2020 йилдаги ПҚ-4606- сон	Хусусий тиббиёт ташкilotларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.11.2021 йилдаги ПҚ-6-сон	Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 18.10.2018 йилдаги 834-сон	Наманган вилоятида хусусий тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва замонавий тиббиёт марказини ташкил	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 30.05.2020 йилдаги ПҚ-4737- сон	Нодавлат тиббиёт ташкilotлари томонидан тез тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш учун қўшимча

	этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида		шарт-шароитлар яратиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3450- сон	Хусусий тиббиёт ташкilotларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт- шароитларни яратиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 16.10.2018 йилдаги ПҚ-3973- сон	Ўзбекистон республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида

Соҳага оид норматив-ҳукукий ҳужжатларда келтирилган тиббиёт соҳасини тартибга солиш бўйича белгиланган мақсад ва вазифаларнинг тиббиёт ташкilotларида ижросини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Республика иқтисодиётида тиббий хизматлар соҳасининг аҳамияти ва нодавлат тиббиёт ташкilotларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги таснифи бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги глобаллашув шаротида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Олиб борилган илмий изланишлар давомида ушбу хизматларга оид статистик кўрсаткичлар тадқиқи амалга оширилди (1-расм):



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010-2025 йиллар кесимида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми, млрд. сўмда¹

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган кўрсаткичлар бўйича таҳлил натижалари асосида хулоса қилиб айтиш мумкин бўладики, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида қаратилиб келинаётган эътибор натижасида ушбу соҳа бўйича хизматлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда хизматлар ҳажми 258,0 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 19890,6 миллиард сўмни ташкил этганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. 2025 йилда

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

соғлиқни сақлаш соҳаси хизматлари ҳажми 2024 йилга нисбатан 24,6 %га ўсган бўлиб, мазкур кўрсаткичлар бошқа олдинги йиллар бўйича солиштирилганда ўсиш суръати яна ҳам йириклашиб кетишини таҳлил қилиш мумкин бўлади. Хулоса қилиш мумкин бўладики, хизматлар бўйича бошқа статистик кўрсаткичлар олдинги йиллар билан солиштирилганда ўсиш суръатлари ўртача 23-27 %ни ташкил этганлигига гувоҳ бўлиш мумкин бўлиб, бу эса, мазкур хизматларнинг энг тез ривожланиб бораётган соҳалардан эканлигини кўрсатиб беради.

Мазкур изланишлар давомида ташкилотлар томонидан кўрсатилган соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларнинг ҳудудлар кесимидаги улушини ёритиб беришга доир ва ушбу хизматлар ҳажмини ҳар бир ҳудуд кесимида таҳлил қилиш имкониятини берувчи қуйидаги жадвал маълумотлари ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2017-2025 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажмининг ҳудудлар кесимидаги улуши, млрд. сўмда¹

Ҳудудлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	59,5	74,2	91,3	103,8	139,3	177,8	215,2	268,6	351,3
Андижон вилояти	133,5	175,7	242,7	292,9	405,3	494,4	548,3	717,3	884,8
Бухоро вилояти	126,3	150,3	189,5	184,6	269,8	389,9	472,9	564,1	784,6
Жиззах вилояти	62,6	90,1	115,7	110,2	197,7	233,6	294,3	352,5	481,7
Қашқадарё вилояти	92,5	124,6	184,8	193,8	276,0	330,5	441,5	589,5	745,3
Навоий вилояти	45,2	62,2	96,4	109,2	147,3	197,0	230,6	265,3	327,6
Наманган вилояти	144,8	184,3	269,8	235,5	382,9	497,4	619,2	744,8	900,9
Самарқанд вилояти	175,4	214,4	286,1	384,3	501,6	683,7	880,0	1130,3	1491,9
Сурхондарё вилояти	74,3	90,4	126,3	144,6	271,9	244,9	308,8	380,9	511,8
Сирдарё вилояти	37,6	51,8	76,5	85,8	136,7	162,4	210,0	276,2	359,9
Тошкент вилояти	251,4	352,8	469,1	401,7	738,4	1010,0	1317,6	1613,6	1998,2
Фарғона вилояти	211,8	251,4	321,4	335,8	509,2	668,1	805,3	1007,5	1306,2
Хоразм вилояти	97,0	122,3	159,7	185,1	262,5	325,4	408,9	513,7	678,7
Тошкент шаҳар	1171,7	1534,9	2198,1	2489,7	3647,9	4777,9	6239,8	7537,5	9067,7
Жами	2683,6	3479,5	4827,4	5257,0	7886,5	10193,0	12992,4	15961,8	19890,6

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар таҳлили асосида гувоҳ бўлиш мумкинки, соғлиқни сақлаш хизматлари ҳажми Республиканинг ҳар бир ҳудуди бўйича йил сайин ошиб борган. Мамлакатда амалга оширилиб келинаётган ислохотлар натижаси сифатида

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

баҳоланган ушбу эришилган натижалар мамлакат аҳолиси иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Ҳудудлар кесимида оладиган бўлсак, соғлиқни сақлаш хизматлари ҳажми бўйича энг катта кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда ва бу 2025 йилда 9067,7 миллиард сўми ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Тиббий хизматларни амалга оширувчи субъектлардан шифохона ва амбулатор-поликлиникалар мамлакат иқтисодиёти ривожини ҳамда аҳоли ижтимоий фаровонлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. тиббий хизматларга бўлган талабнинг ошиши натижасида мазкур субъектларнинг фаолияти ҳам ривожланиб бормоқда ва бунга мос равишда уларнинг сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган мазкур расмда ушбу натижаларни таҳлил қилиш мумкин бўлади (2-расм):




2-расм. Ўзбекистон Республикасида тиббий хизматларни кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи шифохона ва амбулатор-поликлиникалар сони¹

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган шифохоналар тиббий хизматларни кўрсатувчи асосий субъектлардан бири ҳисобланади. Республикада тиббий хизматларни кўрсатувчи шифохоналар сони 2014-2016-йиллардан ташқари бошқа барча йилларда ошиб борган. Шунингдек, расм маълумотларидан кўриниб турибдики, тиббий хизматлар амбулатор-поликлиникалар томонидан ҳам амалга оширилиб, уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Республикада амбулатор-поликлиникалар сони шифохоналардан ҳам ортиқ бўлиб, уларнинг сони фақатгина, 2017-2020 йилларда паст бўлган бўлса, қолган йилларда яна мунтазам тарзда ошиб борганлигини кўриш мумкин.

Мазкур тадқиқот ишида тиббий хизматлар соҳаси билан боғлиқ бошқа статистик рақамлар тадқиқи ва таҳлили амалга оширилди. Ушбу тадқиқот натижалари қуйида келтирилган расм кўринишида ифодаланди (3-расм):


¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмиси.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида тиббий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ кўрсаткичлар сони, мингтада¹

Статистик рақамлар таҳлили шуни кўрсатядики, тиббий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ кўрсаткичларнинг барчаси йилдан-йилга ошиб борган. Хусусан, шифохонада ўринлар сони 2020 йилда 161,0 мингта бўган бўлса, 2024 йилга келиб 179,9 мингтага етган ва мазкур йилларга мос равишда ўсиш суръати 11,7 %ни ташкил этган. Тиббиёт ташкилотларида фаолият кўрсатадиган ва тиббий хизматларни амалга оширишда қатнашадиган шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари сони деярли барча йилларда ошиб борган бўлиб, фақатгина, ўрта тиббиёт ходимлари сони 2024 йилга келиб камайган. Бироқ, ўрта тиббиёт ходимлари сони барча йиллар кесимида шифокорлар сонидан 3-4 маротаба ортиқ бўлганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқорида тадқиқ этилган тиббий хизматлар бугунги кунда давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан амалга оширилб, мазкур жараёнлар қуйида келтирилган расм кўринишида ифодаланди (4-расм):



4-расм. Тиббий хизматларни кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар таснифи²

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Демак, мамлакатимизда тиббий хизматларни кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тиббиёт ташкилотлари ўз навбатида давлат тиббиёт ташкилотлари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларига таснифланади.

Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари уларнинг таркибига кирувчи субъектларнинг мулкчилик шакли ҳамда уларнинг фаолият йўналишлари билан бири-бирдан фарқ қилади. Расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, давлат тиббиёт ташкилотлари таркиби бир нечта гуруҳларга ажратилган ҳолда таснифланди. Давлат тиббиёт ташкилотлари таркиби ўз навбатида яна бошқа тиббиёт ташкилотлари турларига таснифланиб, ушбу тиббиёт ташкилотлари таснифи қуйида келтирилди (5-расм):

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотлари	• Оилавий поликлиникалар • Қишлоқ врачлик пунктлари • Кўп тармоқли марказий поликлиникалар
Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази	• Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 14 та ҳудудий филиаллари • Туман тиббиёт бирлашмалари шошилич тиббий ёрдам бўлимлари
Стационар хизмат кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари	• Республика миқёсида ихтисослаштирилган марказлар • Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари • Шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари • Туғруқ комплекслари
Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари	• Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази • Республика ихтисослаштирилган терапия илмий-амалий тиббиёт маркази • Республика ихтисослаштирилган бошқа илмий-амалий тиббиёт маркази
Реабилитация хизматлари ташкилотлари	• Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази • Республика тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази

5-расм. Давлат тиббиёт ташкилотлари таснифи¹

Расмда акс этирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, юқорида гуруҳларга ажратилган ҳолда келтирилган давлат тиббиёт ташкилотларининг таркибида тиббий хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи яна бошқа субъектлар киради. Ушбу таснифий асослар тиббий хизматларни амалга оширувчи субъектлар фаолиятини яққол очиб беришга, тиббиёт соҳаси фаолиятини чуқурроқ тадқиқ қилишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмиси.

Шунингдек, нодавлат тиббиёт ташкилотлари таркибий қисмлари ҳам бир қанча субъектлар фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Хусусан, тез тиббий ёрдам марказлари, кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ихтисослашган клиникалар, реабилитация марказлари, стоматология клиникалари, диагностик марказлари, репродуктив тиббиёт ва эко марказлари каби тиббий хизматларни амалга оширувчи субъектлар бугунги кунда нодавлат тиббиёт ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Олиб борилган изланишлар давомида нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тайёрланган ва статистика органларига топширилган ҳисоботлар тадқиқ этилди. Статистик ҳисоботлар тадқиқи шуни кўрсатдики, бугунги кунда тиббиёт ташкилотлари бир неча мезонлар бўйича алоҳида гуруҳларга таснифланган бўлиб, нодавлат тиббиёт ташкилотлари айнан мана шу таснифий белгиларига қараб ҳисоботлар тайёрланиши кўзда тутилган. Шу боис, мазкур тадқиқот ишида статистик ҳисоботларга келтирилган кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги қуйидаги таснифий асослари ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Нодавлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги таснифий асослари ¹

Турига кўра	Шаклига кўра	Тармоғига кўра
Нодавлат кўп тармоқли тиббиёт марказлари	Стационар ташкилотлар	Кўп тармоқли
Нодавлат ихтисослаштирилган клиникалар	Амбулатор ташкилотлар	Акушер-гинекология
Нодавлат реабилитация марказлари	Амбулатор хизматларини кўрсатувчи стационар ташкилотлар	Ички касалликлар (терапия)
Нодавлат тез тиббий ёрдам марказлари	Стоматология поликлиникалари	Умумий педиатрия
Нодавлат стоматология клиникалари	Тиббиёт марказлари	Офтальмологик
Нодавлат диагностик марказлари	Лаборатория диагностикаси марказлари	Стоматология
Репродуктив тиббиёт ва эко марказлари	Тез тиббий ёрдам марказлари	Психиатрик, психоневрологик, гиёҳвандлик
	Профилактик дезинфекция ишлари билан шуғулланувчи ташкилот	Отоларингология
	Бошқа тиббиёт ташкилотлари	Гастроэнтерология
		Жарроҳлик
		Неврология
		Бошқа тиббий тармоқлар

Тиббиёт соҳасида фаолият доираси тобора кенгайиб бораётган нодавлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатида уларнинг турлари белгилари бўйича ишлаб чиқилган мазкур таснифий асослари бир қанча хусусиятларга эга.

Хулоса. Олиб борилган тиббий хизматлар соҳасининг аҳамияти ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги таснифи бўйича изланишлар натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, мамлакатимизда тиббий хизматлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ислохотлар

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

мамлакатда тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар бўйича фаолиятларини оптималлаштиришга, тиббий хизматлар сифатини оширишга муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, бугунги жадал ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар натижасига мос равишда тиббий хизматлар ҳажми ҳам мос равишда ошиб бормоқда. Бу эса, ҳукумат томонидан ушбу хизматларга берилаётган эътибор натижаси ҳисобланади.

Учинчидан, тиббий хизматлар нафақат давлат ташкилотлари томонидан, балки нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам узлуксиз кўрсатилиб келинябди. Ушбу тармоқ ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, жумладан мамлакатда нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятларини ривожлантириш, нодавлат ташкилотлар томонидан амалаг оширилиб келинаётган тиббий хизматлар сифатини давлат стандартларига мослигини таъминлаш ҳамда илғор тажрибаларга мувофиқлаштириш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тўртинчидан, барча соҳалар каби тиббиёт соҳаси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мазкур соҳада фаолият кўрсатадиган ташкилотлар ҳам уларнинг фаолият йўналишларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Шу боис, нодавлат тиббиёт ташкилотларининг таснифий асосларини ишлаб чиқишда мазкур субъектлар уларнинг турлари, шакли ва тармоғига қараб ажратилиди. Нодавлат тиббиёт ташкилотларини мазкур мезонлар бўйича таснифлаш улар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олишга, бу эса, нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишга хизмат қилади.

Бешинчидан, ҳўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ва уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоблашда, шунингдек хизматлар соҳасида олинадиган бўлса, ташкилотларнинг хизмат кўрсатиш харажатлари ва кўрсатилган хизматлар таннархини аниқлашда мазкур субъектнинг тармоқ хусусиятлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўналишлари, шунингдек субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги умумий тавсифи ҳамда таснифини аниқлаб олиши зарур бўлади. Чунки, ҳўжалик юритувчи субъектларда харажатлар бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш айнан манашу жиҳатларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ушбу жиҳатлар айнан нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятларига ҳам боғлиқ бўлганлиги боис, мазкур тадқиқот ишида юқорида келтирилган нодавлат тиббиёт ташкилотларининг таснифий асослари ишлаб чиқилди.

Олтинчидан, нодавлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги ушбу таснифий асосларини ишлаб чиқишда юқорида таъкидланганидек, статистик кўрсаткичлар, жумладан “Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхона фаолияти ҳақида ҳисобот” статистика ҳисоботида келтирилган тиббиёт ташкилотларининг турлари таснифи бўйича ёритилиши мўлжалланган сатрлар инobatга олинди. Ушбу жиҳатлар эса, мазкур тармоқ ташкилотлари томонидан статистик ҳисоботларни тайёрлашга ва уларни статистика органларига ўз вақтида тақдим этишга кўмаклашади.

Олиб борилган илмий изланишлар давомида биз томонимиздан келтирилган тиббиёт ташкилотларининг таснифий асослари давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятлари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаб олишга, бу орқали ушбу субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олишга, нодавлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобининг муҳим ва ажралмас субъекти сифатидаги тавсифи ва таснифини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Бу эса, мазкур нодавлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишга, бухгалтерия ҳисобининг тиббий хизматларга оид ахборотлар қамровини кенгайтиришга, тиббий хизматлар бўйича харажатларни аниқлаш орқали тиббий хизматлар таннархини тўғри ҳисоблашга имконият беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2026 йил 05 май. ПК-170-сон.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mamlakat taraqqiyotining 2030-yilgacha mo‘ljallangan ustuvor yo‘nalishlari doirasida islohotlarni izchil davom ettirish va yangi bosqichga olib chiqishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. 2026-yil 16-fevral. PF-21-son.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида ўзбекистон республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2025 йил 04 ноябрь. 694-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида ўзбекистон республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2025 йил 04 ноябрь. 694-сон.
5. Боронов Б.Ф., and Мустафоев А.Ф.. "НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ" Экономика и социум, no. 5-2 (120), 2024, pp. 926-929.
6. Боронов Б.Ф., and Саломов Ш.Ф.. "МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ" Экономика и социум, no. 5-2 (120), 2024, pp. 921-925.
7. Farxodovich, Boronov Bobur, Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna, and Yodgorov Xushvaqt Mansurovich. "FARMASEVTIKA KORXONALARIDA BUXGALTERIYA HISOBINING O ‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI." *FRONTIERS OF KNOWLEDGE AND INTERDISCIPLINARY DISCOVERY* 1.1 (2025): 282-289.
8. Боронов, Бобур, and Шавкат Саломов. "ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ." *Экономическое развитие и анализ* 3.2 (2025): 268-274.
9. Боронов, Б. Ф., and Ш. Ф. Саломов. "МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ." *Экономика и социум* 5-2 (120) (2024): 921-925.
10. Боронов, Бобур, and Миржалол Ахмедов. "Нодавлат Таълим Ташкилотларида Даромадлар Ҳисобининг Илмийназарий Асослари." *Economic Development and Analysis* 3.5: 288-294.
11. Боронов, Бобур, and Миржалол Ахмедов. "Республика Миллий Иқтисодиётини Ривожлантиришда Нодавлат Олий Таълим Ташкилотларининг Ўрни Ва Аҳамияти." *Economic Development and Analysis* 3.8: 167-173.
12. Farxodovich, Boronov Bobur. "STAGES OF DEVELOPMENT OF THE INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGY SERVICES SYSTEM." *Лучшие интеллектуальные исследования* 59.2 (2025): 293-298.
13. Farxodovich, Boronov Bobur. "STAGES OF DEVELOPMENT OF THE INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGY SERVICES SYSTEM." *Лучшие интеллектуальные исследования* 59.2 (2025): 293-298.
14. Мухаммадиев, З., and Б. Боронов. "ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." *Издания* (2023): 91-97.